



Феруза ТЎРАЕВА
мустақил тадқиқотчи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

НОДАВЛАТ МАТБУОТ НАШРЛАРИДА ЭРКИНЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ УЙЎНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

Мазкур мақолада нодавлат матбуот нашрларида эркинлик ва масъулият уйғунлигини таъминлаш омиллари ўрганилган. Бугунги кунда соҳа вакиллари нодавлат матбуот нашрларида ижодий эркинлик асосида ёндашув билан бирга масъулият ҳиссини ҳам унутмаслиги ва уларнинг ўзаро уйғунлигинини таъминлаши лозимлиги тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, мамлакатда нодавлат матбуот нашрлари кўпайишига ҳуқуқий асос яратилганлиги, шу типдаги нашрлар сони ортиб боришига хизмат қилаётганлиги ҳақида илмий хулосалар берилган.

В статье проанализированы факторы координации свободы и обязанностей негосударственных печатных изданий. В частности, в статье показано, что в наши дни в жизни специалисты этой области должны быть творчески самостоятельными, иметь чувство ответственности. Кроме того, деятельность неправительственной прессы в стране регламентирована законодательной базой, в результате чего количество печатных изданий увеличилось.

The article analyzed factors of providing coordination of independence and responsibility in nongovernmental press publications. Particularly, representatives of the present nongovernmental organizations sphere gave opinion on journalists should attention to coordination of independence in creativity and responsibility. Besides the activity of non-governmental press was created on the juridical basis as a result of it the number of editions had increased.

Калит сўзлар: газета, журналист, оммавий ахборот воситалари (ОАВ), нодавлат матбуот нашрлари, матбуот эркинлиги.

Ключевые слова: газета, журналист, средства массовой информации (СМИ), негосударственные печатные издания, независимая печать.

Key words: newspaper, journalist, mass media, nongovernmental press publications, press independence.

Маълумки, XX асрнинг сўнги ўн йиллигида юз берган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар натижасида республикаимиз мустақиллигини кўлга киритди ва бу албатта халқимиз учун чексиз имкониятлар яратди.

Мустақиллик туфайли аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи тубдан ўзгарди, тафаккури янгилашиб, маънавий қиёфаси юксалиб борди.

Мамлакатимиз танлаган ўзига хос йўл, яъни ривожланишнинг “ўзбек модели” натижасида амалга оширилган ислохотлар юртимизни бугунги кунда жаҳонга танитди. “Ҳатто ўзини тараққиётнинг етакчиси деб ҳисоблаган мамлакатлар ҳам яқинда бутун дунё иқтисодиётида рўй берган инқироз даврида бир оз шошиб қолган бир пайтда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари 8.1% га етганлиги бунинг исботидир”⁽⁷⁾.

Ижтимоий соҳалар қаторида мамлакатимизда мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари (ОАВ) нинг ҳам янги тизими шаклланди, бу борада жаҳондаги илғор тажрибалар негизида яратилган ҳуқуқий асос мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади ва ўтамоқда.

Ҳақиқатан ҳам «Журналистлар ва матбуот ходимларимизнинг малакаси ва дунёқарashi, тафаккури ва маҳорати бошқалардан кам бўлмайдиган даражада ўсиб бораётганини эътироф этиш адолатдан бўлади»⁽⁸⁾.

Бугунги кунда эркин демократик ахборот маконини яратиш мақсадида нодавлат ва мустақил нашрлар тармоғини кенгайтириш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Нодавлат ва мустақил матбуот нашрларини ривожлантириши ҳақида гап борар экан, биринчи навбатда, уларнинг моддий-техника базасини замонавий талабларга жавоб берадиган даражада модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш ҳамда юқори малакали журналистлар билан таъминлаш, техник ходимларни қайта тайёрлаш талаб этилади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, жамиятда эркин матбуот механизмининг яратилиши натижасида республика ОАВ тизимида мулкӣ муносабатлар ўзгарди. Ушбу ўзгариш ахборотга эгалик ҳуқуқининг янгидан-янги типлари яратилишига олиб келди. Давлат, тармоқ, соҳавий, нодавлат ва мустақил нашрлар вужудга келди. Электрон ОАВ соҳаси мисли кўрилмаган миқёсда кенгайди, жумладан нодавлат телерадио тармоқлари, интернет журналистикаси равнақ топди. Натижада матбуот нашрларининг электрон нусхаларини тарқатиш кундалик воқеага айланди. Эркин рақобатга асосланган эркин ахборот бозори муҳити яратилди, натижада ОАВ соҳасида ҳам жиддий таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар рўй бергани нишонасидир.

Хусусан, нодавлат матбуот нашрларининг кўпайиши, улар фаолиятининг ривожланиши, типологик хилма-хиллиги демократик жамиятнинг ажралмас ижобий ва табиий воқелиги сифатида эътироф этилар

⁷www/bil.uz/tadqiqot.

⁸ И.А.Каримовнинг Матбуот ва ОАВ ходимларига йўллаган табригидан // Халқ сўзи. 2006. 28 июнь.

экан, айна вақтда бу борада қуйидаги бир қатор долзарб масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- муассис (муассислар) томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритиш;
- танланган мавзу йўналишларини тартибли, аниқ равишда концепцияга биноан ишлаб чиқиш;
- мавзуларнинг долзарблигини инобатга олиш;
- асоссиз шов-шув – (сенсация) га берилмаслик;
- мавзуларни ёритишда журналистлар маҳоратини ошириш;
- газета саҳифалаш (дизайн) га аҳамиятни ошириш;
- материаллардаги тил услубига жиддий ёндашиш;
- нодавлат матбуот нашрларида жаҳон журналистикаси тажрибаларидан фойдаланиш;
- нодавлат матбуот нашрларида миллий-маънавий қадриятларни ёритишга эътибор қаратиш;
- миллий журналистика учун яратиб берилган эркинлик имкониятларини суиистеъмом қилмаслик;
- журналистнинг касб одобини янада юксалтириш ва журналист масъулиятини янада ошириш.

Бир сўз билан айтганда, санаб ўтилган вазифаларнинг барчаси матбуотда эркинлик туйғуси ва масъулият бурчи мувозанатига алоқадор экан, соҳа мутахассислари учун мазкур масалалар долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Президент И.А.Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритиб, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини

кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқлигини баён этиб бердилар⁹.

Республикада жамиятни изчил демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг ажралмас қисми матбуотни эркинлаштиришда, хусусан, мамлакатимизда нодавлат матбуот нашрлари сони ортиб бораётганида намоён бўлмоқда. Хусусан, аҳоли ўртасида кенг оммалашган, кўп йиллардан буён катта ададда нашр этилаётган “Даракчи”, “Суғдиёна”, “7x7”, “Тасвир”, “Ҳордиқ”, “Бекажон” сингари нодавлат матбуот нашрлари шулар жумласидандир. Мазкур нодавлат матбуот нашрларида ижодий жараёнлар, ишни ташкил этиш тажрибалари, муаллифлар доирасини шакллантириш, мавзулар географияси, кадрлар маҳоратини ошириш ҳамда мавзуларнинг ёритилишида эркинлик ва масъулият уйғунлигини сақлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Шунингдек, мамлакатда нодавлат матбуот нашрлари кўпайишига ҳуқуқий асос яратилганлиги шу типдаги нашрлар сони ортиб боришига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда нодавлат матбуот нашрларининг кўпайишига ҳуқуқий асос яратилгани жамиятни эркинлаштиришнинг муҳим ва ажралмас бўғинидир. Шундай экан, матбуотда эркинлик ва масъулият туйғуларининг мувозанатини сақлаш энг долзарб ҳамда энг муҳим муаммо бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов.И.А Матбуот ва ОАВ ходимларига йўллаган табригидан // Халқ сўзи. 2006. 28 июнь.
2. 2011 йил 13 ноябрь. /Халқ сўзи,Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.
3. www/bil.uz/tadqiqot.

⁹ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи, 2011 йил 13 ноябрь.